

2018 йил, 27 ноябрь  
Женева, Швейцария



UZBEK (Cyrillic script)

## МХТ БОШ ДИРЕКТОРИ ЎЗБЕКИСТОННИ 173-АЪЗО ДАВЛАТ СИФАТИДА ҚУТЛАДИ

Бугун Миграция бўйича халқаро ташкилот (МХТ) - БМТ Миграция агентлиги Кенгашининг Женева шаҳрида очилган 109-сессиясида овоз бериш натижасида Ўзбекистон Республикасининг МХТга аъзо бўлиш тўғрисидаги мурожаати қўллаб-қувватланди.

МХТнинг янги Бош директори Антонио Виторино: "МХТ оиласига қўшилгани билан Ўзбекистонни юқори мамнуният ила қутлайман", деб эълон қилди. "Мамлакатингиз жаҳоннинг энг қадимий ва энг гуркираган савдо йўллари ўтган гўшаларидан биридир, шу сабаб ҳудудингиздан мусофирлар кўҳна даврлардан бери ўтиб борганлар. Ташкилотнинг Бош директори сифатида бу менинг илк бор аъзо давлатни қутлашимдир ва бошқа аъзоларни ҳам қутлаш имконияти бўлишига умид қиламан".

Ўзбекистоннинг МХТга қўшилиши тўғрисидаги масала Кенгаш сессиясининг кун тартибига Ўзбекистон ҳукуматининг мурожаатига биноан киритилди. Сессия ишида мамлакат номидан Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг ўринбосари Баҳодир Низомов иштирок этмоқда.

Ўзбекистон Марказий Осиёдаги энг кўп аҳолига эга мамлакат ҳисобланади ва у МХТга минтақадан қўшилган сўнгги давлатдир.

"Миграция нуқтаи назаридан, минтақа дунёдаги энг динамик ва тез суръатлар билан ўзгариб бораётган ҳудуд ҳисобланади", дейди МХТнинг яқиндагина Ўзбекистоннинг Самарқанд шаҳрида Инсон ҳуқуқлари бўйича биринчи Осиё форумида иштирок этиб қайтган Минтақавий директори Аргентина Сабадош.

"Ўзбекистонда кўрганларим ва у ерда ўрганганларимга асосан шуни тўлиқ ишонч билан таъкидлай оламан-ки, миграцияни бошқариш борасидаги чақириқларга жавоб бериш ва мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш бўйича МХТ ва Ўзбекистон ҳукумати ўртасидаги ҳамкорлик сермахсул бўлади. Бу эса умуммиллий, минтақавий ва глобал миқёсларда чексиз фойда келтиради".

Ўтган ҳафта Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форуми доирасида, МХТ ташаббуси билан, мигрантларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд декларацияси матнига киритилди. Унда, жумладан, шундай дейилади: "Давлатлар барча мигрантларнинг инсон ҳуқуқларини, уларнинг миграциявий ҳолатидан қатъий назар ҳамда Барқарор тараққиёт мақсадларига мувофиқ, ҳурмат қилинишини, ҳимоя қилинишини ва амалга оширилишини таъминлашга интилиши керак".

"Ўзбекистон билан ҳамкорлигимиз Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатларидан бўлган ва одам савдосидан жабрланган шахслар ҳамда ёрдамга муҳтож мигрантларга ёрдам бериш асносида, 2003-йилда бошланган. 2015-йилдан бери ҳамкорлигимиз жадал суръатларда ривожланиб борди, натижада шу кунга қадар иккита Қўшма иш режалари бажарилди ва бу йил 2018-2019-йилларга мўлжалланган Ҳамкорлик йўл харитаси Ўзбекистон ҳукумати томонидан тасдиқланди", дейди МХТнинг Марказий Осиё бўйича Субминтақавий координатори, Миссия раҳбари Деян Кесерович.

Ўзбекистон Республикаси Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Афғонистон билан чегарадошдир. Деярли 33 миллион аҳолига эга ушбу мамлакат, минтақадаги аҳолиси энг кўп мамлакат бўлиши баробарида, мигрантлар келиб чиқиш сони бўйича ҳам етакчидир. Эндиликда чегараларнинг очилиши муносабати билан, у қўшни мамлакатлардан келаётган мигрантлар учун транзит ҳудудга ҳам айланиб бормоқда. Мамлакат иқтисодиётининг юқори кўрсаткичларда ўсиб бораётгани натижасида, Ўзбекистон мигрантлар учун манзил давлатга ҳам айланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасини Миграция бўйича халқаро ташкилотга қабул қилингани билан қўтлаб қоламиз.

*Қўшимча маълумот учун боғланиш:*

*Joe Lowry (jlowry@iom.int), Санжарбек Тошбаев (stoshbaev@iom.int)*